

ШАРТНОМА № 03

«18» 03 2022 йил

Асака тумани

“Уз-Донг Вон Ко.” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – «Буюртмачи») номидан Низоми асосида фаолият юритувчи жамият Баш директори К.Н.Сотиболдиев бир томондан ва “INJECTION MOLDING MACHINES SERVICE” МЧЖ (кейинги ўринларда – «Бажарувчи») номидан Низоми асосида фаолият юритувчи корхона директори Б.Т. Вохидов иккинчи томонидан ушбу шартномани қуидагилар түғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи»нинг топшириғи билан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиш улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартномага кўра «Бажарувчи» ижрои томонидан кўрсатиладиган хизматлар:

- Yaskawa dx100 пайвандлаш роботини янги пайвандлаш кондукторларида дастурлаш ва созлаш (ўргатиш) (8 дона робот ва 16 дона пайвандлаш кондукторлари)
- Fanuc 410 пайвандлаш роботини янги пайвандлаш кондукторларида дастурлаш ва созлаш (ўргатиш) (Робот - 1 дона, пайвандлаш мосламаси - 1 дона)
- HMI Pro-face панелини дастурлаш ва PLC га улаш - 6 дона
- PLC Mitsubishi Q02Hcru ни дастурлаш (CC-link тармоғини пайвандлаш роботлари ва кондукторларига улаш - 6 дона ZDC CC-Link remote I/O module - 17 дона)
- Пайвандлаш роботларини электр уланишларини монтаж-демонтаж қилиш (Робот - 9 дона, пайвандлаш кондукторлари - 18 дона)
кейинги ўринларда "Хизматлар" деб юритилади.

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати:

2022 йил "23" маёри дан

2022 йил "31" маёри гача.

«Бажарувчи» Хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш ҳуқуқига эга.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:

2.1.1. Хизматларни лозим даражада сифатли кўрсатиш;

2.1.2. Хизматларни тўлиқ миқдорда ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда кўрсатиш;

2.1.3. Агар «Бажарувчи» хизматлар кўрсатиш жараённида кўрсатилган хизматлар натижасининг сифати ёмонлашувига олиб келган ушбу шартнома шартларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талабига кўра барча аниқланган камчиликларни 10 (Ун) кун давомида бепул тузатиш;

2.1.4. Хизматларни шахсан ўзи кўрсатиш.

2.2. «Буюртмачи» қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Хизматлар учун якуний хисоб-китобларни ушбу шартноманинг III-бўлимида кўрсатилган нарх бўйича, кўрсатилган хизматлар түғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 10 (Ун) кун давомида амалга ошириш;



2.4. «Буюртмачи» қуидагиларга ҳақли:

2.4.1. Ихтиёрий вактда «Бажарувчи»нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда кўрсатилаётган Хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш;

2.4.2. Далолатномани имзолашдан олдин исталган вактда, «Буюртмачи»нинг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги хабарнома олингунча кўрсатилган Хизматларнинг бир қисмига мутаносиб равишда белгиланган нархни «Бажарувчи» га тўлаган ҳолда ушбу шартномани бажаришдан бош тортиш.

III. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг нархи қуидагилардан иборат:

3.1.1. «Бажарувчи» га тўланадиган ҳақ:

183 000 600 (бир юз саксон уч минг миллион олти юз) сўм ККСиз сўмни ташкил килади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича олдиндан тўлов микдори мазкур шартноманинг 3.1.1. бандида назарда тутилган умумий сумманинг 50 фоизи микдорда **91 500 300** (тўқсон бир миллион беш юз минг уч юз) сўмни ташкил этади.

3.3. «Буюртмачи» томонидан бажарилган Хизматларга ҳақ тўланиши пул маблағларини «Бажарувчи» нинг ушбу шартномада кўрсатилган ҳисобварагига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. «Бажарувчи» ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Хизматларни бажариш муддатини бузганлиги учун «Буюртмачи»га ушбу шартнома умумий суммасининг 0,4 фоизи микдорида жарима (пеня) тўлайди.

4.2. «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 3.1.1 бандида курсатилган суммани толов муддатини кечикирганлиги учун толовларни хар бир кечикирган кунларига 0,4 фоиздан устама жарима (пеня) тўлайди.

4.2. Тарафларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ кўлланилади.

4.3. Неустойка тўлаш Тарафларни ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан ва бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда Тарафлар келишмовчиликларни судгача тартибга солишининг қонун хужжатларида назарда тутилган тартиботини амалга оширганларидан сўнг уларни кўриб чиқиш учун Асака туманлараро иқтисодий судига топширадилар.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийdir. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.



6.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха бир хил кучга эга. Хар бир Тарафга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи

АЖ “Уз-Донг Вон Ко.” қўшма корхонаси

Асака шаҳар, Фарғона кўчаси №57 уй

X/P: 2021 4000 3005 7280 0001

АТБ “Асака” Андижон филиали

ИНН: 202128093

МФО: 00073

ОКЭД: 29320



Бош
директор  Сотиболдиев К.Н.

Бажарувчи

“INJECTION MOLDING MACHINES ”
SERVICE” МЧЖ

Андижон вил., Асака тумани, Ўзбекстон ҚФЙ
Дўрмон махалласи, 72-уй

X/P : 2020 8000 0006 2386 2001

ЧЭИК “HAMKORBANK” АТ банкининг
Асака филиали

ИНН: 303985007 МФО: 00070


ОКЭД: 14912



Корхона раҳбари 

Вохидов Б.Т.

ДАРАФЛАРИНИҢ КУКУВАМАДО РЕЗИЛДАРИ



КЕЛИШИЛДИ					
ИЖРОЧИ	БЎЛИМ БОШЛИГИ	БУКУЧУСИ ИКТИСОДЧИ	БОШ ХИСОБЧИ	БОШ ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИ	
				